



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ РАҶАМЛАШТИРИШДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Rустамов Элдор Баратович

Мирзо Улугбек номидаги

Ўзбекистон миллий университети мустақил тадқиқотчиси

Мамлакатимизда молиявий-иктисодий секторни замонавий талаблар асосида ривожлантириш, 2030 йилгача бўлган даврда корпоратив тузилмалар фаолиятини рақамлаштиришни босқичма-босқич жорий этиш, бу жараёнда замонавий молиявий моделлардан фойдаланиш орқали молиявий хавфсиз-ликни таъминлаш каби йўналишларда кенг қамровли мақсадли чора-тадбиралар амалга оширилмоқда. «Иктисодиётнинг реал сектори корпоратив тузилмаларида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш, корпоратив тузилмаларнинг молиявий бошқарувини замонавий телекоммуникация инфратузилмаси, алоқа технологияси, электрон тижорат ва дастурий таъминот бозорининг фаол иштирокчига айлантириш ҳамда рақамли иқтисодиётни ташкил этиш» [2] каби вазифалар белгиланган.

Корпоратив молиявий бошқарув жараёнида блокчейн технологиясининг амалда ишлаши жараёнига тўхталадиган бўлсак, тизимда иштирок этаётган иштирокчилар ўртасидаги алоқалар молиявий ташкилотлар – воситачиларни четлаб ўтган ҳолда электрон операцияларни амалга ошириш қобилиятига эга фуқоролараро тўлов тизимини яратиш тамойилларига таянилган ҳолда, бундай вазифани рақамли имзо ёрдамида қисман ҳал қилиш мумкин бўлсада, аммо бунда фақат икки томонлама сарф-харажатларни назорат қилувчи ишончли вакил бўлиши талаб этилар эди. Шунинг учун, марказлашмаган ечим, фуқоролараро тизимининг ғоялари ёрдамида, криптовалюта, математик қоидалар исботланган иш (Proof-of-

work) ва тизим иштирокчилари ўртасидаги операцияларни ўтказишнинг умумий қоидалари асосида тасвирланади. Бу ечим биткоиннинг блокчейни деб номланди.

Корпоратив молиявий бошқарув жараёнида блокчейн технологиясининг ишлаш тамойилларининг афзалик томонларидан бири шундаки:

- тизимга жойланган ҳар қандай маълумот бир зумда тизимга уланган ҳар бир фойдаланувчи учун бир вақтда кўриш имкониятини бериш билан бир қаторда, мазкур юклатилган маълумотни сақланишини таъминлаш ёки уни ўчирилиб кетишини олдини олишга;
- маълумотлар базасини тақсимланиш жараёнида юқори даражадаги шаффофликни таъминлаш имкониятининг мавжудлиги;
- маълумотлар ва ахборотлар алмашунувида аниқ мақсадли кузатувни йўлга қўйиш имкониятининг мавжудлиги;
- маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнининг кам харажат талаб этиши;
- ахборотларни сақлаш муддатининг давомийлиги;
- маълумотларни қайта ишлаш, мақсадли тавсифлаш ва туркумлаш имкониятларининг мавжудлигидадир.

1- жадвал

Блокчейн технологиясидан иқтисодиётнинг турли жабҳаларида фойдаланиш имкониятлари таҳлили [3]

Автомобил саноатида	Молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида	Турли даражадаги сайловларни ташкил этишда	Соғлиқни сақлаш соҳасида
----------------------------	---	---	---------------------------------

**Ilm fan taraqqiyotida raqamli iqtisodiyot va
zamонавиј та'limning o'rni hamda rivojlanish omillari**



		овоз бериш жараёнларида	
Мазкур соҳа хизматлари иsteъmolчилари автоном автомобил уловларга нисбатан қисман эгалик қилиш хуқуқини ва мулкни бошқариш хуқуқидан фойдаланишда блок занжирли технологиядан фойдаланишлар и орқали вақт омили сарфи кескин камайтирилиши билан бир қаторда, уларга нисбатан сарфланадиган харажатлар миқдорини ҳам оптималлаштири	Молиявий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг қисқа муддатларда тезроқ ва нисбатан кам маблағ сарфлаш эвазига турли даражадаги миллаардлаб суммадаги транзакцион пул ўтказмаларини бир зумда амалга ошириш ҳамда мазкур жараёнда операцияларни шаффоффлик даражасини оширилишига	Турли даражадаги сайловларни ташкил этишда овоз бериш жараёнларида сайловчилар блок кодини кўллашлари орқали фуқаролар смартфон, планшет ёки компьютер қурилмаси орқали овоз бериш имкониятига эга бўлиб, бу дархол ва аникроқ натижаларни бериш имкониятини яратади. Бундан ташқари сайлов тизими шаффоффигини таъминлашга, мониторингини ўз вактида амалга	Турли даражадаги касалланган беморларнинг шифрланган тиббий маълумотларини маҳфийлигини таъминлаган ҳолда бир вақтнинг ўзида турли жойларда жойлашган мутахассислар иштирокида концилум ўтказиш имкониятининг мавжудлиги, беморнинг бутун ҳаёти давомидаги соғлиги билан боғлиқ барча маълумотларни сақлаш ҳамда исталган муддатларда мазкур маълумотлардан



шга эришиш мумкин бўлади.	эришиш мумкин.	оширишга олиб келади	фойдаланиш мумкин бўлади.
---------------------------	----------------	----------------------	---------------------------

1-жадвал маълумотларида блокчейн технологиясидан иқтисодиётнинг турли жабҳаларида фойдаланиш имкониятлари келтирилган бўлиб, жумладан, молиявий хизматлар қўрсатиш соҳасида мазкур технологиядан фойдаланиш орқали молиявий ташкилотлар томонидан қўрсатиладиган молиявий хизматларнинг қисқа муддатларда тезроқ ва нисбатан кам маблағ сарфлаш эвазига турли даражадаги миллиардлаб суммадаги транзакцион пул ўтказмаларини бир зумда амалга ошириш ҳамда мазкур жараёнда операцияларнинг шаффофлик даражасини оширилишига эришиш мумкин.

Тизим иштирокчилари томонидан янги блокларни қўшилиши муайян тамойиллар асосида амалга оширилиб, мазкур белгилаб олинган тамойилларга ўзгартиришлар мос келмаса, тизим ўзгартиришларни автоматик равища қабул қилмайди. Шунингдек ўзгартириш амалга оширилмоқчи бўлганини битимда иштирок этаётган ҳар бир иштирокчини огохлантиради. Бу эса опрецияларни ўта даражада шаффоф ҳамда белгилаб олинган тамойилларга тўла тўкис амалга оширилишини таъминлашга хизмат қиласи. Бундан ташқари технологиянинг бу тарзда ишлаши блокчейн хавфсизлигини оширишни таъминлашга ҳам хизмат қиласи.

Бугунги кун амалиётида корпоратив молиявий бошқарув жараёнида блокларнинг занжирига яна иккита янги блок қўшилди [5]:

- бажарилган операцияларни, ишларни тасдиқлаш (Proof-of-work, ёки PoW);
- бажарилган операциялар ва ишларда улушни тасдиқлаш (Proof-of-stake ёки PoS).

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда рақамли иқтисодиётни ташкил этишнинг асосий бош талаби бу корпоратив молиявий бошқарув жараёнида

блокчейн технологиясига жадал суръатлар билан ўтиш ҳамда мазкур йўналишда тегишли чора тадбирларни амалга ошириш хисобланади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

1. Куницына Н.Н. Электронные деньги: платежный инструмент или технология // Актуальные вопросы современной экономики в глобальном мире. 2018. № 8. С. 126–129.
2. Милевский А.С. Эконометрика. М., 2017. 207 с.
3. Ратникова Т.А., Фурманов К.К. Анализ панельных данных и данных о длительности состояний. М., 2014. 373
4. Ратникова Т.А (2006.) Введение в эконометрический анализ панельных данных // Экономический журнал Высшей школы экономики. Т. 10, № 2. С. 267–316.
5. Norov, A. (2020). ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ РИСК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. Scientific Research Archive, 1(23). Retrieved from <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2709>
6. Shomurotova, S. X., Farmonova, S. B., Kamolova, N. I., & Movlonova, S. A. (2020). Improving the Methodology of Teaching the role of metals in Biochemical Processes using Pedagogical Technologies. *Engineering a Management Test*, 83, 26638-26645.
7. Махмудов, С. (2022). ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АМАЛИЁТЛАРИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИНИ БАҲОЛАШ. Iqtisodiyot Va ta'lim, 23(2), 354–361. https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a480
8. Akmal Ruzimamatovich Norov, Umida Xamidullayevna Elbusinova, Anvar Ruzimamatovich Norov, Luiza Mansurovna Mirpulatova, & Husniddinjon Mo'ysin o'g'li Akbarov. (2022). THE ROLE OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF COMMERCIAL BANKS. Academicia Globe:

Inderscience

Research, 3(04),

507–515.

<https://doi.org/10.17605/OSF.IO/AQZB6>

9. Sh. B. Formanova. (2021). Application of Pedagogical Technologies to the Topics of the Metals Department. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 5499–5509. Retrieved from <https://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3118>

10. Махмудов, С. (2022). ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМДА ЛОГИСТИКА СОҲАСИНИНГ РОЛИНИ БАҲОЛАШ. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(4), 296–307. https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a600

11. Махмудов, С. (2023). ЛОГИСТИКА КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 24(1), 344–351. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a53

12. Norov, A. R. ., Yuldashev, J. A. ., Sattorova, N. G. qizi ., Turgunova, K. S. kizi ., & Ibragimov, I. K. . (2022). The Role of the Foreign Exchange Market in Ensuring the Stability of the National Currency in the Country. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 20-27. Retrieved from <http://sjii.indexedresearch.org/index.php/sjii/article/view/207> More Citation

13. Bobonazarovna, Formanova S., and Nabiiev A. Abduhamidovich. "Development of Mathematical Literacy in Chemistry Lessons." *European Scholar Journal*, vol. 2, no. 3, 2021, pp. 97-99.

14. Akmal Ruzimamatovich Norov, Nodir Muratovich Shamsiyev, Anvar Ruzimamatovich Norov, Fayozjon Farxod ugli Rakhmatullaev, & Muzrof Yusup ugli Xolbozorov. (2022). Issues of Improving the Operations of Commercial Banks in the Securities Market . *Indonesian Journal of Innovation Studies*, 18. <https://doi.org/10.21070/ijins.v18i.645>